

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ПАТХУЛЛАЕВ САРВАРЖОН УБАЙДУЛЛА ЎҒЛИ

**ЯНГИ ТАРКИБЛИ НОТЎҚИМА МАТОЛАРНИНГ СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари
материалшунослиги**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

**Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
авторефератининг мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам
Cotents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on technical sciences**

Патхуллаев Сарваржон Убайдулла ўғли

Янги таркибли нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш услубини
такомиллаштириш..... 5

Патхуллаев Сарваржон Убайдулла угли

Совершенствование метода оценки качественных показателей нетканых материалов
новой структуры..... 23

Patkhullayev Sarvarjon Ubaydulla ogli

Improving the level of quality assessment of non-woven materials of a new structure..... 41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 43

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

ПАТХУЛЛАЕВ САРВАРЖОН УБАЙДУЛЛА ЎҒЛИ

**ЯНГИ ТАРКИБЛИ НОТЎҚИМА МАТОЛАРНИНГ СИФАТ
КЎРСАТКИЧЛАРИНИ БАҲОЛАШ УСЛУБИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ**

**05.06.01-Тўқимачилик ва енгил саноат ишлаб чиқаришлари
материалшунослиги**

**техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2021

Техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.2.PhD/Т1643 рақами билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.titli.uz) (ва “Ziyonet” ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

- **Илмий раҳбар:** **Очилов Тўлқин Ашурович**
техника фанлари номзоди, доцент
- Расмий оппонентлар:** **Мукимов Мирабзал Мираюбович**
техника фанлари доктори, профессор
Ахмедов Акмал Ахмедович
техника фанлари номзоди, катта илмий ходим
- Етакчи ташкилот:** **Ўзбекистон табиий толалар илмий-тадқиқот институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти ҳузуридаги DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил «15» 04 соат 14⁰⁰ дақи мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlr_info@edu.uz Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти маъмурий биноси, 222-хона).

Диссертация иши билан Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (95 -рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100100, Тошкент ш., Шохжаҳон-5, тел: (+99871) 253-08-08.

Диссертация автореферати 2021 йил «02» 04 куни тарқатилди.
(2021 йил «02» 04 дақи 95 -рақамли реестр баённомаси).



И.Қ.Сабиров
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, т.ф.д.

А.З.Маматов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, т.ф.д., профессор

Ш. Хақимов
Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, т.ф.д., доцент

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳон бозорида пахта толаси тўқимачилик саноатининг асосий маҳсулотларидан бири ҳисобланади. «Дунё тўқимачилик саноатида пахта тола-67%, кимёвий тола ишлаб чиқариш-20%, жун тола-10%, луб толалар-1,6% ва бошқалар-1,4% ташкил этмоқда. Тўқимачилик саноати жадал суръатларда ривожланаётган асосий ҳудудларга АҚШ, Европа, Шарқий Осиё, Жанубий Осиё ва МДХни киритиш мумкин»¹. Жаҳонда тўқимачилик саноати учун замонавий илм-фан ва техника ютуқларидан самарали фойдаланишни назарда тутадиган инновацион технологияларни яратиш, мавжудларини такомиллаштиришга йўналтирилган илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Инновацион тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришга талаб юқори бўлиб, мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришда муҳим аҳамиятга эга. Замонавий шароитда тўқимачилик маҳсулотларининг рақобатбардошлилиги ассортиментни тез ўзгартирилиши ва таннархнинг паст бўлиши, шунингдек, белгиланган таркибий ва махсус хусусиятларга эга тўқималарни ишлаб чиқарилиши билан таъминланади. Нотўқима матоларни катта қисми пахта толалари ва ипларидан тайёрланганлиги, уларни ўзига хослиги мато хосса ва хусусиятларини чуқурроқ ўрганиш, уни халқаро стандартлар тизимида баҳолаш масаласини жорий этилиши лозимлигини кўрсатади.

Жаҳон амалиётида пахта толасидан тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқаришда технологик жараёнларнинг таъсир этадиган муҳим омилларини аниқлаган ҳолда янги, илмий асосланган техника ва технологияларни ишлаб чиқаришга йўналтирилган илмий тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу борада, жумладан хом-ашёдан самарали фойдаланишни таъминлаш, янги турдаги табиий толаларни олиш, иккиламчи материал ресурслари компонентлари асосида юқори сифатли рақобатбардош нотўқима мато ишлаб чиқариш илмий асосларини ривожлантириш, нотўқима матонинг ночизиқли деформацияланиши қонунийиятлари асосида қайишқоқлик ҳолатини сақлаб қоладиган кучлар рационал қийматларини аниқлаш, технологик параметрлар ўзаро боғланишларини ишлаб чиқиш, маҳсулотлар турини кўпайтириш, нотўқима маҳсулотларни ишлаб чиқариш соҳаси учун сифат кўрсаткичлари тизимини такомиллаштириш муҳим илмий-амалий масалалар ҳисобланади.

Мамлакатимизда нотўқима матолар ишлаб чиқариш ҳажмини ва маҳсулот турини кўпайтириш масаласи ҳам ўта муҳим вазифалардан ҳисобланади. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан... “маҳаллий хом-ашёлардан рақобатбардош маҳсулотларни янги турларини ишлаб чиқаришда техника-технологияларни такомиллаштириш энг муҳим деб белгилаб қўйилган” вазифаси белгилаб берилди.² Ушбу вазифаларни ҳал қилишда, жумладан инновацион тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқиш, янги таркибли

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira>

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида” 2017 йил 7-февралдаги ПФ-4947-сон Фармони

нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш услубини такомиллаштириш муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2017 йил 14 декабрдаги ПФ-5285-сон Фармони, “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини ислоҳ қилишни янада чуқурлаштириш ва унинг экспорт салоҳиятини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 12 февралдаги ПҚ-4186-сон қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши-нинг устувор йўналишларига боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг II. “Энергетика, энергия ва ресурстежамкорлик” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тўқимачилик маҳсулотларини ишлаб чиқаришда иккиламчи хомашёлардан самарали фойдаланиш, тўқимачилик хом-ашёларини қайта ишлаш муаммолари, нотўқима матоларни ишлаб чиқаришни лойиҳалаш, тола, ипнинг физик-механик хусусиятларини тадқиқ қилиш жараёнларида маҳсулот сифатига таъсири масалаларини назарий ва амалий асосларини яратиш бўйича қатор чет эл олимлари: Д.Максвел, Ф.Кольрауш, Б.Вольтер, Х.Лидерман, В.А.Каргин, С.Я.Френкел, П.П.Кобеко, Ф.М.Береш, В.Ф.Андронов, Е.Н.Чернов, Б.В.Озеров, Н.Н.Петканова, В.Е.Гусев, И.Н.Петрова ва бошқалар илмий-тадқиқотлар олиб борганлар.

Иккиламчи хомашё ва нотўқима матолар сифатини аниқлаш услубларини яратиш, синов натижаларини математик статистика ва эҳтимоллар назарияси қонунлари бўйича баҳолаш услублари, нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларини ўрганиш, тўқимачилик материаллари тузилишининг ўзига хос хусусиятларига кўра деформацияси, янги структурали ипак ва аралаш матолар ишлаб чиқаришнинг илмий асосланган технологияларни такомиллаштириш масалалари билан боғлиқ илмий тадқиқотлар мамлакатимизнинг бир қатор олимлари томонидан олиб борилган, жумладан: М.А.Хаджинова, У.М.Матмусаев, Г.Н.Кукин, А.Н.Соловьёв, Қ.Ж.Жуманиязов, Л.А.Амзаев, М.Кулметов ва бошқалар.

Олиб борилган аналитик таҳлиллар шуни кўрсатдики нотўқима матоларнинг нозик деформацияланиш хусусиятларини намоён бўлиши сабабларини, деформацияланиш қонуниятларини аниқлаш ва унинг мустаҳкамлик назариясини такомиллаштириш, динамик кучлар таъсиридан нотўқима матонинг мустаҳкамлигини аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш усулларини ишлаб чиқиш каби муаммолар етарли даражада ўрганилмаган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Мазкур тадқиқот Тошкент тўқимачилик ва енгил саноат институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг А-3-5 “Ипакнинг нанотехнологияси асосида маҳсулотларнинг рақобатбардош янги турларини ишлаб чиқариш усуллари ва

технологияларини яратиш” (2015-2017) мавзусидаги лойиҳа доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади тут дарахти пўстлоғидан тола ажратиб олиш ва турли таркибли иккиламчи материал ресурслари аралашмаларидан ишлаб чиқарилган нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларини баҳолаш услубини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

тут дарахти пўстлоғидан луб толасини ажратиб олиш технологиясини ишлаб чиқиш ва олинган толанинг сифат кўрсаткичларини аниқлаш;

иккиламчи материал ресурслари компонентлари асосида юқори сифатли рақобатбардош нотўқима мато олиш усуллари ва афзалликларини асослаш;

иккиламчи материал ресурслари компонентлари хоссаларини нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларига боғлиқлигини ишлаб чиқиш;

нотўқима матолар қалинлиги бўйича нотекислигининг ўзгариш диаграммалари ва функциялари ёрдамида корреляцион боғлиқлигининг мавжудлигини аниқлаш ҳамда баҳолаш услубини такомиллаштириш;

ишлаб чиқаришга тавсия этилган нотўқима матонинг ночизиқли деформацияланиши қонунияти асосида, қайишқоқлик ҳолатини сақлаб қоладиган кучларни аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш усулини таклиф этиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида тут дарахти пўстлоғидан ажратиб олинган тола, иккиламчи толали тарандилар, нотўқима матоларнинг узилиш кучи ва узилишдаги узайишини аниқлаш АГ-1 асбоби олинган.

Тадқиқотнинг предмети иккиламчи материал ресурслари компонентларидан аралашма ҳосил қилиш, нотўқима матонинг сифат кўрсаткичларини тадқиқ этиш ва улар орасидаги боғлиқликни баҳолаш методикалари ҳисобланган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида нотўқима матоларнинг физик-механик хусусиятларини аниқлаш, сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш, нотўқима матоларнинг қалинлиги бўйича нотекислигининг ўзгариши асосида корреляцион боғлиқлигини аниқлаш, нотўқима матонинг ночизиқли деформацияланиш қонунияти асосида баҳолаш ва башоратлаш, тадқиқот натижаларини математик статистик услублар асосида қайта ишлаш ва таҳлил қилиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

тут дарахти пўстлоғидан луб толасини физик-механик усулда ажратиб олиш технологияси ишлаб чиқилган ва олинган толанинг сифат кўрсаткичларини аниқланган;

иккиламчи материал ресурслари компонентлари асосида юқори сифатли нотўқима мато ишлаб чиқилган;

иккиламчи материал ресурслари компонентларини нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларига боғлиқлиги асосланган;

нотўқима матолар қалинлиги бўйича нотекислигининг ўзгариш диаграммалари ва функциялари ёрдамида корреляцион боғлиқлигининг мавжудлиги аниқланган ҳамда баҳолаш услуги такомиллаштирилган;

нотўқима матонинг ночизиқли деформацияланиши қонуниятини асосида, қайшқоқлик ҳолатини сақлаб қоладиган кучлар аниқланган, уларни баҳолаш ва башорат қилиш услуги ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

иккиламчи материал ресурсларининг компонентларидан рақобатбардош нотўқима матолар ишлаб чиқилган;

нотўқима матоларнинг физик-механик хоссалари стандарт талаблари асосида баҳоланган;

аралашма таркибини муқобиллаштириш асосида нотўқима мато сифати яхшиланиш ҳисобига иқтисодий самарадорликка эришилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотнинг натижаларини солиштириш, баҳолаш мезонларига кўра уларнинг мос келиши, ўтказилган тадқиқотларнинг ижобий натижалари ва улар ўрганилаётган соҳада маълум бўлган баҳолаш мезонлари бўйича ҳисоблаш тажрибалари таҳлили ва стандарт талаблари тажрибавий маълумотлар билан таққослашга асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти иккиламчи материал ресурсларидан тола олиш услуги ишлаб чиқилганлиги, нотўқима матолар олиш учун аралашма таркибини муқобиллаштирилганлиги ва ундан сифатли нотўқима мато ишлаб чиқаришга эришганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотнинг амалий аҳамияти нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланганлиги, нотўқима матолар ассортиментларини кенгайтирилганлиги ва истеъмолчилар талабини қондиришга имконият яратилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий этилиши. Иккиламчи материал ресурслари компонентларидан сифатли нотўқима мато ишлаб чиқариш бўйича бажарилган илмий натижалар асосида:

янги таркибли нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолашнинг такомиллаштирилган услуги “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан “SOF MEGA TEKSTIL” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 13 октябрдаги 03/14-2400-сон маълумотномаси). Натижада, нотўқима матонинг ҳаво ўтказувчанлиги бошқа намуналарга нисбатан 33,8% ошириш имконияти яратилган;

нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини башорат қилиш услуги ишлаб чиқаришга “Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмаси тасарруфидаги корхоналарда, хусусан, “Бухоро ўқув ишлаб чиқариш” МЧЖ корхонасида жорий этилган (“Ўзтўқимачиликсаноат” уюшмасининг 2020 йил 13 октябрдаги 03/14-2400-сон маълумотномаси). Натижада, ишлаб чиқилган нотўқима

матонинг эксплуатацион хусусиятлари яхшиланиши ва юқори сифатга эришиш имконияти яратилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқот натижалари 12 та халқаро ва 6 та республика миқёсидаги илмий-техник ва илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 39 та илмий ишлар чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 16 та мақола шундан 10 таси хорижда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 118 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи ва масалаларининг қўйилиши”** деб номланган биринчи бобида Ўзбекистонда иккиламчи тўқимачилик хом ашёларининг қўлланилиши, нотўқима матоларга қўйиладиган талаблар ва истикболи, нотўқима матолар ишлаб чиқаришда қўлланиладиган хомашё тури, нотўқима матоларнинг олиниш усуллари бўйича мавжуд адабиётлар маълумотлари ўрганилган. Бу йўналишда турли хил илмий ишлар олиб борилганлигига қарамасдан сифатли нотўқима мато олиш учун сифат кўрсаткичларини баҳолаш услубини такомиллаштириш, турли табиий толали иккиламчи хомашёдан нотўқима матоларни ишлаб чиқариш ва унинг физик-механик хусусиятини баҳолаш масаласи ҳали ҳам долзарб бўлиб қолмоқда.

Диссертациянинг **“Тадқиқот объекти ва синаш усуллари”** деб номланган иккинчи бобида тут дарахти пўстлоғидан тола ажратиш усулини такомиллаштириш ва ундан нотўқима матолар олиш учун аралашмани танлаш, иккиламчи хом ашё ва нотўқима матолар сифатини аниқлаш услублари, синов натижаларини математик статистика ва эҳтимоллар назарияси қонунлари бўйича баҳолаш ўрганилган.

Тадқиқотларда тут дарахти шохлари пўстлоғидан луб толаларини ажратиш олишда толадаги целлюлозага минимал таъсир кўрсатиш уни лигнин ва пентозанлардан ажратиш олиш вазифаси ҳал этилди. Пентозан ва лигнин луб толаларини ўзаро бириктириб турувчи моддалар бўлиб, толага каттиклик хусусиятини беради. Лигнин ва пентозанлар сувда эримайди. Шунинг учун ҳам узоқ вақт ивйтиш бўйича бажариш ҳисобига уларни деструкцияга учраши

кузатилади. Тадқиқотларда луб толаларини ажратиб олиш усули такомиллаштирилиб, пўстлоқдан ажратиб олинган толали масса ферментлар таъсирида лигнин ва пентазонлардан ажратиб олинди.

Ивитиш ва қайнатишни кимёвий усул билан, яъни аммоний сульфат билан олиб борилиши, жараёни тезлигини юқорилиги ва сифатини ёмонлашмаслиги билан афзал эканлиги аниқланди. Шундан келиб чиқиб, тут шохидан пўстлоқни ажратиб олишдан бошлаб, шу эритмадан фойдаланиш мақсадга мувофиқ эканлигини кўрсатади. Шохнинг ёғочидан пўстлоғини ажратишда 1,5%ли аммоний сульфат эритмаси ва 14 кун вақт сарф бўлди.

Турли хил режимларда қайнатиб олинган толанинг кимёвий таркибини баҳолашда, гемицеллюлоза, целлюлоза ва лигнин миқдорлари аниқланди. Олинган натижалар шуни кўрсатдики, таклиф этилаётган усул аммоний сульфатда тут дарахти луб толалари қайнатилишида фақат пентазан ва лигнин моддалар йўқотилиб, целлюлоза қисми яхши сақланиши аниқланди.

Тут дарахти шохидан толани ажратиб олиш кетма-кетлиги



Ҳозирги кунда нотўқима матога талаб ортиб боришини инobatга олган ҳолда нотўқима матонинг ассортиментини кенгайтириш учун табиий толалар чиқиндиларидан пахта йиғириш тарандиси, ипак йиғириш тарандиси, тут толасидан фойдаланишни мақсад қилинди.

Олинган иккиламчи материал ресурсларидан нотўқима матолар олиш учун аралашма таркиби танланди. Тадқиқот ишида тўрт хил вариантда аралашма ҳосил қилинди: 1. Пахта йиғириш тарандиси 100%; 2. Пахта йиғириш тарандиси 50%, ипак йиғириш тарандиси 30%, тут толаси 20%; 3. Пахта йиғириш тарандиси 70%, ипак йиғириш тарандиси 15%, тут толаси 15%; 4. Пахта йиғириш тарандиси 75%, ипак йиғириш тарандиси 10%, тут толаси 15%.

Турли таркибли материал ресурсларидан олинган хомашё аралаштириб тараш машинасида таралди ва таркибидаги ифлосликлардан тозаланди. Ҳосил бўлган турли таркибли аралашма тарами тозалаш машинасида ифлосликлардан тозаланди. Ифлосликлардан тозаланган турли таркибли аралашма тарамли қатлам ҳосил қилгич агрегатида керакли қалинликдаги қатлам ҳосил қилиниб кўшимча равишда чангдан тозаланди. АЧВ-3 агрегатида ҳосил бўлган қатламдан тўқиш-қавиш усули билан нотўқима матолар ишлаб чиқарилди.

Диссертациянинг “Тола ва янги таркибли аралашмадан олинган нотўқима матоларнинг физик-механик хоссалари тадқиқоти” деб номланган 3-бобида тут дарахти пўстлоғидан олинган толанинг физик-механик хоссаларининг ўзгариши, нотўқима матонинг технологик кўрсаткичларига иккиламчи хомашё таркибининг таъсири, нотўқима матонинг физик-механик хоссаларини ўзгариши, емирилишга чидамлилиги ва киришишининг ўзгариши, бир даврли чўзилиш деформациясини ўзгариши, физик-механик хоссалари бўйича корреляция коэффициенти ва унинг хатолиги ҳисобланиб, сифат кўрсаткичлари комплекс баҳоланган.

1-жадвал

Нотўқима матоларнинг технологик кўрсаткичларининг ўзгариши

| т/р | Нотўқима мато вариантлари | 1 m ² матодаги ипнинг узунлиги, m | Нотўқима матонинг чизиқли зичлиги, g/m | Нотўқима матонинг сирт зичлиги, g/m ² | Нотўқима матонинг ҳажм зичлиги, mg/mm ³ |
|-----|---------------------------|--|--|--|--|
| 1. | 1-вариант | 202 | 28,6 | 141,3 | 0,20 |
| 2. | 2-вариант | 203 | 23,6 | 118,2 | 0,19 |
| 3. | 3-вариант | 206 | 28,9 | 143,2 | 0,20 |
| 4. | 4-вариант | 205 | 35,6 | 176,2 | 0,18 |

Тадқиқот натижаларидан кўриниб турибдики, таркиби турлича бўлган нотўқима матоларнинг 1 m² матодаги ипнинг узунлиги 0,5% дан 1,9% гача ошганлиги, чизиқли зичлиги 21,1% гача камайганлиги, сирт зичлиги 19,5% гача камайганлиги, ҳажм зичлиги 5,0% дан 10,0% гача камайганлиги аниқланди.

Нотўқима матоларнинг механик хоссаларини тадқиқ этиш борасида синов ишлари олиб борилди. Тадқиқот натижалари 2-жадвалда келтирилган.

2-жадвал


Нотўқима матоларнинг механик хоссаларини иккиламчи хомашё таркибига қараб ўзгариши

| т/р | Нотўқима мато вариантлари | Нотўқима матонинг юза зичлиги, g/m ² | Нотўқима матонинг узилиш кучи, Н | | Нотўқима матонинг узилишдаги узайиши, % | | Нотўқима матонинг узилиш кучи бўйича вариация коэффициенти, % |
|-----|---------------------------|---|----------------------------------|------------|---|------------|---|
| | | | Узунлиги бўйича | Эни бўйича | Узунлиги бўйича | Эни бўйича | |
| 1. | 1-вариант | 131,9 | 60,0 | 150 | 30 | 48 | 14,0 |
| 2. | 2-вариант | 148,7 | 68,1 | 165 | 27 | 42 | 7,8 |
| 3. | 3-вариант | 118,7 | 68,1 | 150 | 27 | 36 | 8,34 |
| 4. | 4-вариант | 174,6 | 52,1 | 142 | 30 | 41 | 5,79 |


Олинган тадқиқот натижаларидан, 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг механик хоссалари, яъни узилиш кучи 34,5% га ошганлиги, узилишдаги узайиши 10,0% га, нотўқима матонинг юза зичлиги бўйича вариация коэффициенти 27,7% га, нотўқима матонинг узилиш кучи бўйича вариация коэффициенти 44,2% га бошқа вариантларга нисбатан камайганлиги аниқланди. Нотўқима матоларининг физик хусусиятлари гуруҳига гигроскопиклиги, ҳаво ва буғ ўтказувчанлиги, чанг ютувчанлиги, электрланувчанлиги, оптик ва иссиқни сақлаш хусусиятлари киради.

Иккиламчи хомашё таркиби турлича бўлган нотўқима матоларнинг ҳаво ва иссиқлик ўтказувчанлик хусусияти тадқиқ этилди (1 ва 2-расмлар).

Иккиламчи хомашё таркиби турлича бўлган нотўқима матоларнинг электрланувчанлик хусусиятлари тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари 3-расмда келтирилган.




1-расм. Нотўқима матоларнинг ҳаво ва иссиқлик ўтказувчанлигининг ўзгариши.



2-расм. Нотўқима матоларнинг ҳаво ўтказувчанлик бўйича вариация коэффициенти ўзгариши

Синов натижалари асосида тола чиқиндилари таркибига қараб, нотўқима матонинг ҳаво ўтказувчанлиги 20,9% дан 49,4% гача, иссиқлик ўтказувчанлиги

13,5% дан 29,1% гача ошганлиги ҳаво ўтказувчанлиги бўйича вариация коэффициентлари 6,6% дан 16,8% гача камайганлиги аниқланди.



3-расм. Нотўқима матоларнинг электрланувчанлик хусусиятини ўзгариши

Синов натижалари шуни кўрсатиб турибдики, 3-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг ўз-ўзига ишқалашдаги электрланувчанлиги ва 1-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг синтетик матога ишқаланишдаги электрланувчанлиги бошқа матонинг кўрсаткичларига нисбатан яхши эканлиги аниқланди.

3-жадвал

Нотўқима матоларнинг ишқаланишга чидамлилиги ва киришишининг ўзгариши

| т/р | Кўрсаткичлар | Нотўқима мато таркибидаги иккиламчи хомашё таркиби | | | |
|-----|-------------------------------|--|-----------|-----------|-----------|
| | | 1-вариант | 2-вариант | 3-вариант | 4-вариант |
| 1. | Киришиши,% | | | | |
| | бўйламаси бўйича | +3,5 | +4,5 | +5,5 | +6,0 |
| | дисперсияси, σ | 2,2 | 0,97 | 5,1 | 5,17 |
| | вариация коэффициенти, $C\%$ | 1,13 | 0,51 | 2,69 | 2,75 |
| 2. | кўндаланги бўйича | -5,0 | -3,0 | -6,5 | -7,0 |
| | дисперсияси, σ | 10,3 | 4,53 | 4,53 | 5,31 |
| | вариация коэффициенти, $C\%$ | 4,90 | 2,19 | 2,12 | 2,48 |
| 3. | Ишқаланишга чидамлилиги, давр | 3300 | 5750 | 3000 | 5545 |

Иккиламчи хомашё миқдори турлича бўлган нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларини аниқлашдан олинган синов натижалари Фишер ва Стьюдент мезонлари бўйича таққосланди. Асосий кўрсаткичлар ҳисобида узилиш кучи ва ҳаво ўтказувчанлиги олинди.

Олинган қийматлар бўйича фарқлари ишончлилик эҳтимоллиги $P_D = 0,95$ да иккита ҳолатда нолли гипотеза H_0 қабул қилиниши, t мезонда бир хил тўдага мансублиги аниқланди. Демак, дисперсияси бўйича кескин фарқ қилди, ўртачалари бўйича эса солиштириш учун энг мақбул вариантни график асосида комплекс баҳолаш орқали амалга ошириш мақсадга мувофиқдир. Нотўқима матоларнинг ишқаланишга чидамлилиги ва киришишини аниқлаш борасида тадқиқот ишлари олиб борилди. Синов йўли билан олинган натижалар қуйидаги 3-жадвалда келтирилган.

Синов натижалари таҳлилидан 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг ишқаланишга чидамлилиги юқори, бўйламаси ва кўнадаланги бўйича киришиши бошқа нотўқима матоларга нисбатан паст эканлиги аниқланди.

Нотўқима матоларнинг қайишқоқ, эластик ва пластик деформациянинг иккиламчи хомашё таркибига қараб ўзгариши тадқиқ этилди ва олинган синов натижалари қуйидаги 4-жадвалда келтирилган.

4-жадвал

Нотўқима матоларининг бир даврли деформация таркибининг ўзгаришига иккиламчи хомашё миқдорининг таъсири

| т/р | Нотўқима мато вариантлари | Тўлиқ деформация таркиби, % | Тўлиқ деформация таркибининг улушлари | | |
|-----|---------------------------|-----------------------------|---------------------------------------|---------|------------------|
| | | | қайишқоқ | эластик | пластик (қолдик) |
| 1. | 1-вариант | 8,0 | 0,33 | 0,33 | 0,33 |
| 2. | 2-вариант | 6,0 | 0,57 | 0,33 | 0,10 |
| 3. | 3-вариант | 6,0 | 0,50 | 0,35 | 0,15 |
| 4. | 4-вариант | 6,0 | 0,50 | 0,38 | 0,12 |


Синов натижалари 1-вариант бўйича олинган нотўқима матоларга нисбатан қайишқоқ деформация таркиби камайиб, пластик (қолдик) деформация таркиби ортган. Ундан ташқари, 1-вариант бўйича олинган нотўқиманинг кўрсаткичларига нисбатан 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг тўлиқ деформация таркиби 25,0% га камайганлиги, қайишқоқ деформация таркиби эса 42,0% га ошганлиги, пластик (қолдик) деформация таркиби 70,0% га камайганлигини кўрсатди.

Нотўқима матоларнинг бир даврли чўзилиш деформацияси бўйича олинган натижаларни мезонлар бўйича таққосланди.


Таҳлиллар натижасидан кўриниб турибдики, 1-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг кўрсаткичлари билан 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг қайишқоқлик деформацияси бўйича кўрсаткичларини солиштирилганда ўртачаси 31,10 ни, ўртача квадратик оғиши 0,38 ни, вариация коэффиценти 344,5 ни, 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг қайишқоқлик деформацияси бўйича кўрсаткичлари билан 3-вариант бўйича

олинган нотўқима мато кўрсаткичларини солиштирилганда ўртачаси 8,4 ни, ўртача квадратик оғиши 2,0 ни, вариация коэффиценти 440,68 ни, 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг кўрсаткичлари билан 4-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг қайишқоқлик деформацияси бўйича кўрсаткичларини солиштирилганда ўртачаси 2,1 ни, ўртача квадратик оғиши 0,89 ни, вариация коэффиценти 221,8 ни ташкил этди. Бундан кўриниб турибдики, 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг қайишқоқлик деформацияси жадвалий қийматларга нисбатан кескин фарқланиши кузатилди. Нотўқима матолар қалинлигининг ўзгариш диаграммалари ва унинг функциялари ёрдамида нотекислик характери таҳлил қилинди. Нотекисликни энг оддий таркибий қисмларга ажратиш нотўқима матоларининг қалинлиги ўзгариш диаграммаларининг ўртачаларини силжитиш ҳисобига тўғридан-тўғри қайта ишлаш орқали амалга ошириш мумкин.

Иккиламчи хомашё таркиби турлича бўлган нотўқима матоларининг қалинлиги бўйича нотекислик кўрсаткичлари аниқланди ва натижаларнинг ўзгариш графиклари 4-5-расмларда келтирилган.



4-расм. 2-вариант нотўқима матонинг қалинлиги бўйича нотекислик кўрсаткичларини ўзгариши



5-расм. 2-вариант нотўқима матонинг қалинлиги бўйича коррелограммасининг ўзгариши

Нотўқима матоларнинг қалинлиги бўйича нотекислик кўрсаткичлари асосида коррелограмма қуриш учун корреляция коэффиценти қуйидаги формула ёрдамида аниқланди.

$$r(x) = \frac{\sum_{i=1}^{n-x} (y_i - \bar{y})(y_{i+x} - \bar{y})}{\sqrt{\left[\sum_{i=1}^{n-x} (y_i - \bar{y})^2 \right] \left[\sum_{i=1}^{n-x} (y_{i+x} - \bar{y})^2 \right]}} = \frac{A}{\sqrt{BC}} \quad (1)$$

бу ерда: y_i ва y_{i+x} -диаграммадаги ордината қийматлари нотўқима мато қалинлигининг ўзгариши; $x-r(x)$ корреляция коэффициентини ҳисоблаш учун диаграмма ординаталарида қалинликнинг ўзгариш оралиғи; n -қалинликнинг ўзгаришидаги ординаталарнинг умумий сони.

$$\text{бу ерда: } A = \sum_{i=1}^{n-x} (y_i - \bar{y})(y_{i+x} - \bar{y}), \quad B = \sum_{i=1}^{n-x} (y_i - \bar{y})^2; \quad C = \sum_{i=1}^{n-x} (y_{i+x} - \bar{y})^2; \quad \bar{y} = \frac{\sum_{i=1}^n y_i}{n}$$

Нотўқима матоларнинг қалинлиги стандарт асосида толчиномер асбобида аниқланади. Нотўқима матоларнинг қалинлиги бўйича нотекистик кўрсаткичлари асосида коррелограмма услуби ишлатилади.

Корреляция коэффициентларининг хатолиги ўзгариши бўйича 1-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг корреляция коэффициенти $r(x) \cong 0$ атрофида, демак матонинг қалинлиги бўйича нотекислиги даврий ёки чизикли бўлмаган тасодифийликка тўғри келади.

$$m_r = \pm \frac{1-r^2}{\sqrt{n}} = \frac{1-0,01}{\sqrt{40}} = 0,15 \quad \text{Ишончилиги} \quad \frac{r}{m_r} = \frac{0,01}{0,15} = 0,06 \quad \text{ўта кичкина.}$$

Коррелограммада коррелятив функцияда даврийлик эмас тасодифийлик ажралиб туришини таъкидлаш лозим, даврийлик катта ораликда 16 пог.метрда ўзгаради.

Корреляция коэффициентларининг хатолиги ўзгариши бўйича 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг корреляция коэффициенти $r(x) \cong 0$ атрофида, демак матонинг қалинлиги бўйича нотекислиги даврий ёки чизикли бўлмаган тасодифийликка тўғри келади.

$$m_r = \pm \frac{1-r^2}{\sqrt{n}} = \frac{1-0,08}{\sqrt{40}} = 0,14 \quad \text{Ишончилиги} \quad \frac{r}{m_r} = \frac{0,08}{0,14} = 0,5 \quad \text{ўта кичкина.}$$

Коррелограммада коррелятив функцияда даврийлик эмас тасодифийлик ажралиб туришини таъкидлаш лозим, даврийлик катта ораликда 13 пог.метрда ўзгаради.

Корреляция коэффициентларининг хатолиги ўзгариши 3-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг корреляция коэффициенти $r(x) \cong 0$ атрофида, демак матонинг қалинлиги бўйича нотекислиги даврий ёки чизикли бўлмаган тасодифийликка тўғри келади.

$$m_r = \pm \frac{1-r^2}{\sqrt{n}} = \frac{1-0,19}{\sqrt{40}} = 0,03 \quad \text{Ишончилиги} \quad \frac{r}{m_r} > \frac{0,19}{0,12} = 1,58 \quad \text{ўта кичкина.}$$

Коррелограммада коррелятив функцияда даврийлик эмас тасодифийлик ажралиб туришини таъкидлаш лозим, даврийлик катта ораликда 18 пог.метрда ўзгаради. Корреляция коэффициентларининг хатолиги ўзгариши бўйича 4-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг корреляция коэффициенти

$r(x) \cong 0$ атрофида, демак матонинг қалинлиги бўйича нотекислиги даврий ёки чизиқли бўлмаган тасодифийликка тўғри келади.


$$m_r = \pm \frac{1-r^2}{\sqrt{n}} = \frac{1-0,33}{\sqrt{40}} = 0,10 \quad \text{Ишончилиги} \quad \frac{r}{m_r} > \frac{0,33}{0,10} = 3,3 \quad \text{ўта кичкина}$$

Коррелограммада коррелятив функцияда даврийлик эмас тасодифийлик ажралиб туришини таъкидлаш лозим, даврийлик катта ораликда 20 пог.метрда ўзгаради.

Нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичлари комплекс баҳоланди.


Толали чиқиндилар таркиби турлича бўлган нотўқима матоларнинг узунлиги ва эни бўйича узилиш кучи, узунлиги ва эни бўйича узилишдаги узайиши, юза зичлиги, узилиш кучи бўйича вариация коэффиценти асосида комплекс баҳолаш ишлари олиб борилди ва 6-расмда келтирилди.

Иккиламчи хомашё таркиби турлича бўлган нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларини аниқлашдан олинган синов натижаларини комплекс баҳолашдан кейин уларнинг юзалари аниқланди ва натижалар 7-расмда гистограмма кўринишида берилди.



- I — II —
- III — IV —

6-расм. Нотўқима матонинг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолаш диаграммаси



7-расм. Нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини қиёсий гистограммаси.


Нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини қиёсий гистограммасидан кўриниб турибдики, 1-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг физик-механик хоссалари бўйича юзаси 3373 мм² ни, 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг физик-механик хоссалари бўйича юзаси 7045 мм² ни, 3-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг физик-механик хоссалари бўйича юзаси 6797 мм² ни, 4-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг физик-механик хоссалари бўйича юзаси 3289 мм² ни ташкил этди. Бундан келиб чиқадики, 2-вариантдаги нотўқима матонинг сифат кўрсаткичлари бўйича

юзаси бошқа нотўқима матоларнинг юзасига нисбатан катта эканлиги исботланди. Хулоса қилиб айтганда, 2-вариант бўйича олинган нотўқима мато энг мақбул вариант деб топилди.


Диссертация ишининг “**Экспериментал-назарий услубларни аниқлаш, нотўқима матоларнинг деформацион хусусиятларини башорат қилиш ва баҳолаш**” деб номланган тўртинчи бобда нотўқима матоларнинг деформацион хусусиятларини башорат қилиш ва баҳолаш усуллари келтирилган.

Нотўқима матолар асосан кучланиш шароитида ишлайди, шу билан бирга уларнинг деформацияси қайишқоқлик даражасида бўлиши керак ва бу икки омилга боғлиқ: биринчиси - юк, иккинчиси - нотўқима материалнинг сирт зичлиги. Агар нотўқима материалнинг эксплуатация пайтида, эҳтимол пайдо бўладиган юклар қайишқоқ деформациянинг чегарасидан ошмаса, у ҳолда мато фақат қайишқоқ ҳолда деформацияланади. Мумкин бўлган юклар қайишқоқлик чегарасидан чиқса, у ҳолда нотўқима матонинг сирт зичлигини ошириш керак. Бунинг учун нотўқима матонинг қайишқоқ деформациялари чегараларини экспериментал равишда аниқлаш керак бўлади.

Тадқиқот ишида «AUTOGRAPH AG-1» узиш машинаси олинган нотўқима матонинг эни ва бўйи бўйича чўзилишдаги диаграммаларига асосан узилишгача чўзилишидаги қайишқоқ ва пластик модулларни ўзгариши қурилди. Таклиф қилинган деформация босқичларининг чегарасини аниқлаш усулининг моҳияти шундан иборатки, тўқимачилик материалларининг чўзилиш бўйича ночизикли диаграммаларининг номутаносиблиги, уларнинг чўзилиш шароитида механик хусусиятларининг ўзгариши натижасидир. Чўзилиш жараёнида материалнинг дастлабки тузилиши ўзгаради, шунинг учун зичлик, қайишқоқ, пластик модул ва бошқалар ўзгаради.



8-расм. 2-вариант узунлиги бўйича чўзилишдаги деформация модулининг нисбий деформацияга боғлиқлиги



9-расм. 2-вариант нотўқима матонинг эни бўйича чўзилишдаги деформация модулининг нисбий деформацияга боғлиқлиги

Юқорида келтирилган экспериментал ва назарий тадқиқотлар натижалари бизга нотўқима матолар деформация босқичларининг чегараларини ва унинг пишиқлик кўрсаткичларини аниқлашга имкон беради. Буни амалга ошириш учун биз нотўқима матонинг деформация қонунидан фойдаланиб, қуйидаги кўринишдаги формулани таклиф қиламиз.

$$\sigma = E_k \varepsilon_k (1 - e^{-\mu t_k}) \quad (1)$$

Бу формула нотўқима матога берилаётган юк қийматини аниқлашга имкон беради, бунда нотўқима мато қайишқоқ деформацияга учрайди, яъни юк олингандан сўнг материал тўлиқ дастлабки ҳолатга қайтади.

Шундан келиб чиқиб, нотўқима матони узунлиги бўйича чўзилишида деформация кўрсаткичи $\varepsilon_m^{cp} = 16,5\%$ бўлса, нотўқима мато қайишқоқ деформацияланади. Эни бўйича чўзилганда эса қайишқоқ деформация $\varepsilon_k^{cp} = 1,05\%$ деформацияда сақланади. E_s ва E_D деформация модули кўрсаткичларига боғлиқ ҳолда, ҳамда γ , μ ва t_k кўрсаткичларини (1) формулалар бўйича рухсат этиладиган юкни аниқлаш мумкин. Бунда нотўқима мато дастлабки шакли ва структурасини сақлаб қолади.

ХУЛОСА

“Янги таркибли нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини баҳолаш услубини такомиллаштириш” мавзусидаги диссертация иши бўйича изланишлар асосида қуйидаги хулосалар тақдим қилинган:

1. Тут дарахти пўстлоғидан тола олиш технологиясини ишлаб чиқилди. Тут дарахти пўстлоғидан луб лолаларини ажратиб олиш усуллари ўрганилиб, аммоний сульфат эритмасида қайнатиб тола олиш имкониятлари аниқланди. Аммоний сульфат эритмасида пентозан ва лигнин моддаларини эритиш жараёнларини физик-кимёвий боғлиқлиги тадқиқ этилди. Толанинг сифат кўрсаткичлари аниқланди

2. Нотўқима мато ишлаб чиқариш учун толаларни аралаштиришга тайёрлаш ва иккиламчи материал ресурслари компонентлари асосида юқори сифатли нотўқима мато олиш усуллари ишлаб чиқилди. Иккиламчи хомашё ва нотўқима матолар сифати Давлат стандартлари ҳамда ностандарт услублар асосида аниқланди ва физик-механик хоссалари мезонлар бўйича солиштирилди.

3. Иккиламчи материал ресурслари компонентларининг нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларига боғлиқлигини асосланди. Нотўқима матоларнинг физик-механик хоссаларининг иккиламчи хомашё таркибига қараб ўзгариши таҳлил этилди. Синов натижаларидан 1-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг кўрсаткичларига нисбатан 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг юза зичлиги 11,3% га, узунлиги бўйича узилиш кучи 11,8% га, эни бўйича узилиш кучи 9,1% га ошганлиги, узунлиги бўйича узилишдаги узайиши 10,0% га ошганлиги, нотўқима матонинг юза зичлиги бўйича вариация коэффициенти 27,7% га, нотўқима матонинг узилиш кучи бўйича вариация коэффициенти 44,2% га камайганлиги, нотўқима матонинг ҳаво ўтказувчанлиги 1-вариант бўйича олинган нотўқима матода, иссиқликни сақлаш хусусияти эса 2-вариант бўйича олинган нотўқима матода бошқа матоларга нисбатан юқори эканлиги исботланди.

4. Нотўқима матоларининг бир даврли чўзилиш деформацияси тадқиқ этилди. 1-вариант бўйича олинган нотўқиманинг кўрсаткичларига нисбатан 2-вариант бўйича олинган нотўқиманинг тўлиқ деформация таркиби 25,0% га камайганлиги, қайишқоқ деформация таркиби эса 42,0% га ошганлиги, пластик (қолдиқ) деформация таркиби 70,0% га камайганлиги аниқланди. Нотўқима матоларнинг бир даврли чўзилиш деформацияси бўйича олинган натижаларни мезонлар бўйича таққосланди. Нотўқима матоларининг қайишқоқ деформацияси бўйича 2-вариант бўйича олинган нотўқима матонинг кўрсаткичлари бошқа таркибли иккиламчи хомашёдан олинган нотўқима матоларнинг кўрсаткичларига нисбатан яхши эканлиги аниқланди.

5. Нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини комплекс баҳолашдан олинган физик-механик хоссалари бўйича юзаси 1-вариант 3373 mm² ни, 2-вариант 7045 mm² ни, 3-вариант 6797 mm² ни, 4-вариант 3289 mm² ни ташкил этди.

6. Нотўқима матолар қалинлигининг ўзгариш диаграммалари ва унинг функциялари ёрдамида нотекистик характери таҳлил қилинди. Тадқиқот натижалари орасидаги коррелятив боғланиш $r < 0,5$ дан ҳам юқори кучли тескари боғланишда эканлигини, ҳамда ҳисоблар тўғри бажарилганлигини $\frac{r}{m_r} \geq 3$ мезонга кўра экспериментал ишончлилик чегарасида эканлиги тасдиқланди. Нотўқима матолар қалинлиги бўйича нотекистиклигининг ўзгариш диаграммалари ва функциялари ёрдамида корреляцион боғлиқлигининг мавжудлиги аниқлаб баҳолаш услуби такомиллаштирилди.

7. Ишлаб чиқаришга тавсия этилган нотўқима матонинг ночизиқли деформацияланиши қонуни асосида, нотўқима мато ўзининг қайишқоқлик сифатини сақлаб қоладиган кучларни аниқлаш, баҳолаш ва башорат қилиш усули таклиф қилинди.

8. Нотўқима матоларнинг сифат кўрсаткичларини яхшиланиши ҳисобига ишлаб чиқаришга татбиқ этишдан олинадиган йиллик иқтисодий самарадорлик 296724 минг сўмни ташкил этиши мумкин.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.03/30.12.2019.Т.08.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ИНСТИТУТЕ
ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ТЕКСТИЛЬНОЙ И ЛЕГКОЙ
ПРОМЫШЛЕННОСТИ**

ПАТХУЛЛАЕВ САРВАРЖОН УБАЙДУЛЛА ЎҒЛИ

**СОВЕРШЕНСТВОВАНИЕ МЕТОДА ОЦЕНКИ КАЧЕСТВЕННЫХ
ПОКАЗАТЕЛЕЙ НЕТКАНЫХ МАТЕРИАЛОВ НОВОЙ СТРУКТУРЫ**

**05.06.01- Материаловедение производств текстильной и легкой
промышленности**

**АВТОРЕФЕРАТ диссертации доктора философии (PhD)
по техническим наукам**

Ташкент – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) по техническим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Т1643

Диссертация выполнена в Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-сайте Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности (www.titli.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Очилов Тўлқин Ашурович
кандидат технических наук, доцент

Официальные оппоненты:

Мукимов Миразал Мираюбович
доктор технических наук, профессор

Ахмедов Акмал Ахмедович
кандидат технических наук

Ведущая организация:


Узбекский научно-исследовательский институт натуральных волокон


Защита диссертации состоится «15» 04 2021 года в 14⁰⁰ часов на заседании Научного совета DSc.03/30.12.2019.T.08.01 при Ташкентском институте текстильной и легкой промышленности по адресу: 100100., г. Ташкент, ул. Шохжахон-5, Административное здание Ташкентского института текстильной и легкой промышленности, 222-аудитория, тел: (+99871) 253-06-06, 253-08-08, факс: 253-36-17; e-mail: titlp_info@edu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского института текстильной и легкой промышленности (зарегистрирована № 95). Адрес: 100100, г. Ташкент, ул. Шохжахон- 5, тел.: (+99871) 253-06-06, 253-08-08.

Автореферат диссертации разослан «02» 04 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 95 от «02» 04 2021 года).




И.К.Сабиров
Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н.


А.З.Маматов
Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, д.т.н., профессор


Ш.Ш. Хакимов
Председатель Научного семинара при научном
совете по присуждению ученых степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. Хлопковое волокно на мировом рынке считается одним из основных видов продукции текстильной промышленности. В мировой текстильной промышленности доля хлопкового волокна составляет 67 %, химических волокон-20 %, шерстяного волокна-10 %, лубяных волокон-1,6 % и других волокон-1,4 %. Основными регионами с ускоренно развивающейся текстильной промышленностью считаются США, Европа, Восточная Азия, Южная Азия и страны СНГ¹. В мире ведутся исследования по созданию инновационных технологий для текстильной промышленности, которые предусматривают эффективное использование современных достижений науки и техники, совершенствование существующих. Производство инновационной текстильной продукции пользуется большим спросом и играет важную роль в развитии экономики страны. Конкурентоспособность текстильной продукции в современных условиях обеспечивается быстрой сменой ассортимента и низкой стоимостью, а также изготовлением тканей с заданным составом и особыми свойствами. Поскольку большинство нетканых материалов в Узбекистане изготавливаются из хлопковых волокон и пряжи, их специфика указывает на необходимость более глубокого изучения свойств и характеристик тканей, введения ее оценки в систему международных стандартов. Совершенствование системы показателей качества - актуальный вопрос для отрасли, которая стремительно развивается и совершенствуется.

В мировой практике проводятся научные исследования, направленные на создание новых, научно обоснованных методик и технологий, выявление важных факторов, влияющих на технологические процессы при производстве готовой продукции из хлопкового волокна. В связи с этим, в том числе обеспечение эффективного использования сырья, производство новых видов натуральных волокон, разработка научных основ производства высококачественных конкурентоспособных нетканых материалов на основе компонентов вторичных материальных ресурсов, определение рациональных значений сил, поддерживающих эластичность на основе нелинейных законов деформирования, разработка меж соединений технологических параметров, увеличение ассортимента выпускаемой продукции, совершенствование системы показателей качества при производстве нетканых изделий являются важными научными и практическими задачами.

Вопрос увеличения объемов производства нетканых материалов и ассортимента продукции в нашей стране также является одной из важнейших задач. В Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017-2021 годы задача "... совершенствования² техники и технологий в производстве новых видов готовой конкурентоспособной продукции из местного сырья» обозначена одной из важнейших. При решении этих задач

¹<https://geographyofrussia.com/legkaya-promyshlennost-mira/>

²Указ Президента Республики Узбекистан от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан».№ УП-4947

важно совершенствовать методику оценки качества новых нетканых материалов и их внедрение в производство.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных Постановлениями Президента Республики Узбекистан № ПП-5285 «О мерах по ускорению развития текстильной и швейной промышленности» от 14 декабря 2017 года и № ПП-4186 «О мерах по дальнейшему углублению реформирования текстильной и швейной промышленности и расширению ее экспортного потенциала»

от 12 февраля 2019 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования с приоритетными направлениями развития науки и технологии в Республике. Данное диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий в Республике П. «Энергетика, энерго- и ресурсосбережение».

Степень изученности проблемы. Научные исследования, направленные на создание теоретических и практических основ вопросов эффективного использования вторичного сырья при производстве текстильных изделий, проблемы переработки текстильного сырья, проектирование производства нетканых материалов, изучение физико-механических свойств волокна, пряжи, влияющих на качество продукции проводились рядом зарубежных ученых таких, как: Д.Максвелл, Ф.Колрауш, Б.Вольтер, Х. Лидерман, В.А. Каргин, С.Я.Френкель, П.П.Кобеко, Ф.М.Берещ, В.Ф.Андросов, Е.Н.Чернов, Б.В.Озеров, Н.Н.Петканова, В.Е.Гусев, И.Н.Петрова и другие.

Научно-исследовательские работы, связанные с вопросами разработки методов определения качества вторичного сырья и нетканых материалов, методов оценки результатов испытаний по законам математической статистики и теории вероятностей, исследования физико-механических свойств нетканых материалов, деформации в зависимости от свойств, характерных для строения текстильных материалов, совершенствования научно обоснованных технологий выработки новых структур шелковых и смесовых тканей проводились отечественными учеными, в том числе: М.А.Хаджиновой, У.М.Матмусаевым, Г.Н. Кукиным, А.Н. Соловьевым, К.Ю.Джуманиязовым, Л.А. Амзаевым и др.

Однако, такие проблемы, как определение причин возникновения нелинейных деформационных свойств нетканого материала, определение законов деформации и совершенствование теории его прочности, разработка методов определения, оценки и прогнозирования прочности нетканых материалов под действием динамических сил изучены недостаточно.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими работами высшего образовательного учреждения, где выполнена диссертация. Данное исследование проводилось в рамках проекта А-3-5 «Разработка методов и технологий производства новых конкурентоспособных видов продукции на основе нанотехнологий шелка» (2015-2017).

Цель исследования заключается в совершенствовании методики оценки физико-механических свойств нетканых материалов, получаемых из смеси ресурсов вторичных материалов различного состава и получение волокон из коры тутового дерева.

Задачи исследования:

разработка технологии получения волокна из коры тутового дерева и определение качественных показателей полученного волокна;

обоснование методов и преимуществ получения высококачественного конкурентоспособного нетканого материала на основе компонентов ресурсов вторичных материалов;

обоснование зависимости физико-механических свойств нетканых полотен от свойств компонентов ресурсов вторичных материалов;

совершенствование методики определения и оценки наличия корреляционной зависимости по диаграмме и функциям изменения неровности по толщине нетканых полотен;

